



Наим КАРИМОВ,
ЎзРФА академиги, Ўзбекистон
Республикаси Фан арбоби,
филология фанлар доктори,
профессор

Инсонийликнинг юксак мартабаси

XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиёда вужудга келган жадидчилик ҳаракати шу ҳудудда яшаган халқларнинг яшаш ва тафаккур тарзини кескин ўзгартириб юборди. Бир неча асрлардан бери ислоҳ этилмай келаётган давлат тузумини ҳам, жамият ҳаётининг иқтисодий асосларини ҳам, таълим ва тарбия ўчоқларини ҳам янгилаш зарурлигини тушунган жадидлар ўз даврининг том маънодаги яловбардорлари эдилар. Агар жадидларнинг мустамлака Туркистон тақдири билан боғлиқ дастурларини тўла амалга ошириш имконияти берилганида, ўзбек халқи 1917 йил октябрини ўз тақдирини ўзи белгилай олувчи халқ бўлиб кутиб олган бўлармиди. Аммо улар мустамлакачи давлатнинггина эмас, балки маҳаллий давлат идораларини бошқарган кучларнинг ҳам қаттиқ қаршилигига дуч келдилар.

Шундай маҳаллий кучлар орасида ўзини дин пешвоси қилиб кўрсатадиган айрим мутаассиб шахслар ҳам оз эмас эди. Халқ оммасининг улар таъсири доирасида эканлиги жадидлар бошлаган ҳар бир қутлуг ишнинг рўёбга чиқишини беҳад даражада мураккаблаштирди. Халқ фарзандларини янги усул мактабларига бермаслиги, илғор ғоялар тараннум қилинаётган газеталарни ўқимаслиги, тараққийпарвар ғоялар ташвиқ этилаётган, чирик босган расм-русумлар қораланаётган театрларга тушмаслиги учун жадидлар «кофирлар» деб эълон қилинди. *Тошкент жадидларининг отаси Мунаввар қори Абдурашидхонов уламоларнинг уламоси бўлган. Абдулла Авлоний билан Фитрат ислом тарихи ва унинг муқаддас ақидаларини тарғиб қилувчи асарлар ёзишган. Ёш Фитратнинг «Оила» рисоласини ўқиган киши унинг ижтимоий ва маънавий-маърифий ҳаётнинг барча муҳим масалаларига бўлган исломий муносабатини сезмай иложи йўқ.*

Абдулла Қодирий НКВД зиндонида ҳам намоз ўқишни канда қилмаган. Чўлпон эса Қуръони каримни ёд билган қорилардан эди...

Бу сўнги маълумот муаллақ қолмаслиги учун Чўлпоннинг синглиси Фойиқа аянинг қуйидаги сўзларини эслайлик: «...Отам, – деган эди у ўғли Ўттамжон Мирзахўжаевга, – ўзининг ягона ўғлини эркалаб қўймади. Уни ўқимишли, балки мударрис қилиш мақсадида бир турк домласига берди. Биз у кишини «Турк афанди» деб билар эдик. Алоҳида ажратилган ҳужрада яшарди. Акамнинг ниҳоятда ўткир зеҳни, қобилияти, илмга бўлган қизиқиши ва домласининг қаттиққўллиги ўзининг ижобий самараларини берган. Мен эсимни таний бошлаганимда тоғанг Қуръони каримни ёд билган ва жуда ҳам чиройли ўқиган бўлиб, ҳавасимиз келар эди. Оиламизда бирон-бир имконият туғилгандаёқ, қариндош-уруғлар: «Тешавой қори бир тиловат қилиб берсин», дейишар, акамнинг зўр қироат билан ўқиганларини тинглашиб, кўзларига ёш олишар, руҳан ўзларини бошқача ҳис қилишиб, раҳматлар айтишар, «Мартабангиз бундан ҳам зиёда бўлсин!» деб дуо қилишарди» (Мирзахўжаев Ў. Онамнинг ҳикояси. Қаранг: Чўлпон. Адабиёт надир? Тошкент: Чўлпон, 1993. Б. 158).

Фойиқа аянинг бу хотирасида тилга олинган «Тешавой» исмига изоҳ берсак, Абдулҳамид (Чўлпон)дан аввал Сулаймон баззоз пуштидан бир ўғил билан бир қиз туғилган, аммо улар гўдаклик чоғидаёқ дунёдан ўтиб кетишган. Чўлпон туғилган соатда иттифоқо бир лўли аёл улар ҳовлисига кириб келган. Сулаймон баззознинг онаси Тожи биби чақалоқ киндигини қирқишни шу лўли аёлдан илтимос қилган. Ва лўли аёл қўлига берилган теша билан чақалоқ киндигини қирққан. Чақалоқ киндиги теша билан қирқилгани учун лўли аёл ҳам, амма-холалар ҳам Абдулҳамидни аллавақтгача «Тешавой» деб атаб келишган. Ана шу Тешавой қори бизнинг улуғ шоиримиз Чўлпон бўладилар.

Фойиқа ая таниқли профессор Ҳ.Болтабоев билан суҳбати чоғида ҳам шу масалага доир бундай сўзларни айтган: «Акамизни 11–12 ёшларида Қуръони карим таҳсилига беришади. Отамиз буни шаҳримиздаги турк афандиларга айтган, Андижонга келган Мақсуд афанди ва Муниф афанди деган турк уламолари билан яқин алоқада бўлган, ҳатто улар билан бирга суратга тушган экан. Улардан бири – Муниф афанди акамга саккиз ой давомида Қуръони карим мутолаасини (қироатни) ўргатган, мана шу қисқа давр ичида акамиз Қуръони каримни хатм қилиб чиққан. Шундан кейин отамиз акамни имтиҳон қилиб кўрган, унинг илмидан, қироатидин қаноат ҳосил қилгач, зеҳнини ўстириб, эътибор билан тарбиялай бошлаган. Амакимиз Абдурахмон хожи Маккатиллодан Чўлпон акамга безакдор Қуръони карим бериб юборган экан (У киши узоқ вақт Саудия Арабистонида, кейин 7 йил Истанбулда яшаган). Акам уни севиб мутолаа қиларди. Ўша Қуръони карим ҳали ҳам бор. Бу Қуръони каримни акамиз ҳамойилга (осма халтага) солиб, унинг тўрига илдириб қўйган. Уйга қайтганларида ўшани ўқир эдилар» (Қаранг: Каримов Н. Чўлпон. Маърифий роман. Тошкент: Шарқ НМАК, 2003. Б. 28).

Андижонда Чўлпоннинг шаклланишига таъсир кўрсатган кишилар орасида (турк олимларидан ташқари), Заҳириддин аълам номи билан машҳур киши алоҳида ўринни эгаллайди. Тахминан 1876 йили Андижон шаҳрининг Такавой маҳалласида яшаган бу зот хотини Биби Узро орқали Чўлпонга қариндош бўлган. Унинг отаси Мирза Қосим Андижоннинг обрўли қозиларидан, бобоси Миржавҳар эса амин бўлган. XIX асрнинг 60–йилларида руслар Туркистонга лак-лак қўшин тортди келганида, у ўз навкарлари билан музокара олиб бориш учун генералнинг қошига борган. Шу пайт аввалроқ Андижонга юборилиб, маҳаллий амалдорларнинг феъл-атворларини ўрганган жосуслардан бири генералга аминнинг хатти-ҳаракатларидан огоҳ бўлиб туриш-



ни сўраган. Бу сўзни эшитган адъютант шу заҳоти қиличини қинидан суғуриб, аминнинг бошини шартта сапчадек узиб ташлаган. Эҳтимол, бу рус генералининг мустамаलाка ўлка ёки вилоят амалдорларига руҳий таъсир ўтказиш усуллари-дан бири бўлгандир. Заҳириддин аълам ана шу воқеани яхши билгани учун, большевик ёки большевик эмаслигидан қатъи назар, руслардан мумкин қадар узоқда яшашга ҳаракат қилган. Чўлпон Заҳириддин аълам билан Андижонда ҳам, аълам Тошкентга кўчиб кетганидан кейин эса унинг Пушти ҳаммом маҳалласидаги уида ҳам учрашиб турган. Чўлпон Тошкентда бедилшунос Алоуддин махсум, навоийшунос Нодирхон махсум сингари алломалар гурунглари-дан ҳам баҳраманд бўлган. Шундай таълим ва тарбия кўрган Чўлпон, синглиси Фойиқа ая ёзганидек, «жуда ҳам ориятли, номусли ва катта ирода эгаси» бўлган. Чўлпон ҳам, Фитрат ҳам, Абдулла Қодирий ҳам, бошқа жадидлар ҳам уламо-лар муҳити-дан четда яшашмаган.

Фитрат ва А.Авлонийнинг ислом тарихига бағишланган рисола-ларида айрим подшоҳларнинг афсонавор образлари тасвир этилган. Масалан, Фитрат «Мухтасар Ислом тарихи» асарида Аббосий

подшоҳлардан бири ҳақида бундай жозибали сўзларни айтган: «Ҳорун ар-Рашид бир юз етмиш учинчи йили тахтга ўтирди. Аббосийларнинг бешинчи халифаси бўлган. Ҳорун ар-Рашид исломнинг буюк халифаларидан биридир. Унинг замонида кўпгина мадрасалар, кутубхона-лар ва шифохона-лар қурилган. Бу халифа ҳақиқатдўст, маорифпарвар, азамат ва шавкатли бўлган. Кўпгина илм-фан китобларини Эрондан, Румдан ва Ҳиндистондан келтириб, араб тилига таржима қилдирган, санъатни ҳам ривож топтирган. Унинг замонида мусулмонлар зангдор соатни ихтиро қилганлар. Ҳорун ўша соатлардан бирини Фарангистон подшоҳларидан бирига юборган. У ернинг одамлари бунгача зангдор соатни кўрмаган эдилар. Бинобарин, мазкур соатни сеҳрли ва жодули деб кўрққанлар...» (Фитрат. Танланган асарлар. V жилд: Илмий рисола-лар, Т.: Маънавият, 2010. Б.59).

Юнус ҳожи Мақсудийнинг Абдулла Қодирий шаънига айтган ушбу сўзларини ҳам эслаш мумкин: «Халқимиз тарихини пухта билган адиб диний урф-одатларга ҳурмат билан ёндашарди. Аммо бидъату хурофот билан асло чиқиша олмасди. Адибнинг бу фазилати асарлари қаҳрамонларининг табиатига ҳам кўчган» (Мақсудий Ю. Улуғлар даврасида. Хотиралар. Т.: Фан, 1994. Б. 28).

Афсуски, шундай тараққиёт йўлини босиб ўтган Шарқ, жумладан, Ўрта Осиё ривожланишда давом этмай, турли сабабларга кўра, ўз мавқеини тўла-тўқис Ғарбга бериб қўйди. Ўзи эса «зангдор соатлар»ни «шайтоннинг жодуси» деб, эришган ютуқларини ҳам буткул бой берди. Худди шу масалада уламоликка даъвогар айрим мутаассиб кимсаларни ҳам айбдор, десак янглишмаган бўламиз.

Ҳорун ар-Рашид, Маъмун сингари подшоҳларнинг халқ ва мамлакат манфаати йўлида олиб борган ишлари жаҳон тарихидаги ноёб воқеалар сифатида халқ хотирасида қолиши лозим. Аммо шу нар-



са ғаройибки, нафақат большевиклар даврида ижод қилган ўзбек ёзувчилари, балки XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда дунёга келган жадидлар ижодида ҳам нафақат подшоҳлар, амалдорлар ва уламолар, ҳатто уларга яқин кишиларнинг ижобий образларини топиш қийин. Тўғри, М.Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесасидаги Мударрис ортида драматургнинг ўзи тургани учун унинг тимсоли нурли бўёқлар билан тасвирланган. Бехбудийнинг Мударриси оддий кишининг тимсоли эмас, балки асардаги жадид маърифатпарварлиги ғоясини халққа етказувчи ижобий қаҳрамон образидир. Лекин бошқа ўзбек ёзувчилари ижодида подшоҳларнинг ҳам, уламоларнинг ҳам бундай ижобий образларини учратиш маҳол. Аксинча, дин арбоблари жадидлар ижодида ҳам, шўро даври ўзбек ёзувчилари ижодида ҳам асосан қолоқ, жоҳил, мутаассиб кишилар сифатида талқин қилинган.

Фитрат 1909 йили Туркияга ўқишга борганида Бухоро осмонўпар мадрасалари ва мударрислари билан Ўрта Осиёнинг машҳур шаҳарларидан бири эди. Бир оёғи Осиёга, иккинчи оёғи Европага қўйилган Туркия Фитратда катта таассурот қолдирди. У шу ерда Бухоро мадрасалари ва мударрисларининг умуммусулмон маърифий-маданий тараққиётдан ҳийла орқада қолганларини сизди. Фитрат 1911 йили шу ерда «Мунозара» асарини ёзиб, унда шу ҳолатни бири европалик, иккинчиси бухоролик бўлган икки кишининг суҳбати орқали бундай ифодалади:

«...*Фаранги*. Бухоро шарифлигининг боиси илмларнинг кўблигиданми ё меваларининг сероблигиданми?

Мударрис. Мен буларнинг ҳар иккала-

сини ҳам Бухоронинг шарифлигини кўрсатувчи мустақил сабаблардан, деб биламан.

Фаранги. Бир жойнинг шарифлигига меваларнинг кўблиги сабаб ўлмас?

Мударрис. Кўб яхши. Сиз илмларнинг кўблигини Бухоронинг шарифлигига сабаб, деб билинг.

Фаранги. Тузук, аммо бир мулкнинг илм қувватини билмак у ердаги уламолар сонини билмакка боғлиқдир. Бас, марҳамат қилиб айтинг-чи, Бухоронинг жами аҳолиси қанча?

Мударрис. Биродар! Мен бир банд одам бўлсам, Бухоронинг қайси кўчаларида юриб, унинг одамларини санабман?!

Фаранги. Йўқ, йўқ, асло! Мен бундай деб тақлиф қилсам, магар Сизнинг юртингизда жуғрофиё ўқимайдиларми?

Мударрис. Мен бир мударрис бўлсам, кечалари китоб кўраман, кундузлари дарс айтаман. Қачон қўлим тегибдики, мундай ҳикоят китобларини ўқисам. Бундай китоблар Бухорода йўқ. Бўлганда ҳам қиссахонлик

қурадиган бойларнинг уйларида бўлади.

Фаранги. Жуғрофиё ҳикоят китоби эмас, илмий китобдир. Жуда фойдали, бир неча қисмдан иборат. Унинг бир қисмини «истотистик» («статистика») деб атайдилар: мунда ҳар мамлакатнинг аҳолиси баён қилинади. Масъаладан узоқлашдик... Бухоронинг илгарилари ҳам ўн миллиён аҳолиси бор эди. Ҳозир унинг саккиз миллиёни рус тасарруфида қолди. Икки миллиёни, эҳтимол ундан камроғи (ўз ҳудудида) сақланган. Бу ҳисобдан етмиш минг нафари шаҳар ичидадир, қолганлари унинг теграсинда. Энди марҳамат қилиб айтинг-чи, бу икки миллиён одамнинг ҳаммаси ҳам илмлими ё йўқ?





Мударрис. Йўқ, ҳаммасининг илмли бўлиши мумкин эмас. Агар ҳаммаси олим бўлиб кетса, бошқа ишлар эгасиз қолади.

Фаранги. Уларнинг ярми илмлими?

Мударрис. Йўқ.


Фаранги. Тўртдан бири илмлими?

Мударрис. Йўқ, ўшал етмиш минг шахрийдан бошқаси илмдан бебаҳра авомдир...» (Фитрат. Танланган асарлар. I жилд. Шеърлар, насрий асарлар, драмалар. Т.: Маънавият, 2000. Б. 47-48).

Бу суҳбатдан шу нарса аён бўладики, «Мир Араб» ва бошқа мадрасалари билан Шарққа машҳур бўлган Бухоро аҳолисининг маданий-маърифий савиясини Фаранги вакили бўлган халқнинг савияси билан асло қиёслаб бўлмайди. Шу қиёс Бухоро аҳолисининг ҳақиқий ижтимоий ва иқтисодий аҳволи ҳақида ёрқин тасаввур берганидек, Бухоронинг ярим мустамлака ҳолга келиб қолганининг сабабларини ҳам яшира олмайди.

Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз»идаги Раззоқ сўфининг фожиаси нодонлиги орқасида эшонбобога ортиқ даражада эътиқод қўйиб, қизини унга назир қилмоқчи бўлганида, Зебининг фожиаси эса ожизлиги, саводсизлиги, рус тилини билмаслигида. Чўлпон ўз романида зулм ва жаҳолат ботқоғидан чиқиш учун саводли бўлишгина кифоя қилмайди, балки шу билан бирга золим тилини, мустамлакачи тилини ҳам билмоқ лозим, деган фикрни воқеалар замирига усталик билан яшириб юборган.

Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларида тарихий



Фитрат ва Шайх Нуртақлар.

ўтмиш воқеаларини тасвирлар экан, халқ ва мамлакат манфаатларидан узоқ-узоқларда яшаган хонлар ва амалдорларни, уламолар ва мирзоларни ҳам эътибордан қочирмайди. Чунончи, у «Меҳробдан чаён»да Худоёрхоннинг Сирдарёдан сув чиқариш билан боғлиқ режасининг амалга ошириш жараёнини нақл қилар экан, ўйланган ишнинг ниҳоятда улуғлигига қарамай, хазинанинг дами чиққан пуфақдай бўшаб ётганини айтиб ўтади. Ҳолбуки, минглаб кишилар кучи ва манглай териси билан бунёд бўладиган қу-

рилишлар катта сармояни талаб қилади. Сирдарёдан сув чиқариб, экин майдонларини кенгайтириш текинга тушмайди. Минглаб кишиларни озиқ-овқат билан таъминлаш, капалар тикиб, яшаш жойларини ҳозирлаш, меҳнат ҳақини тўлаш лозим. Худоёрхон бундай майда-чуйда масалалар билан бошини қотирмайди. Адиб ёзади: «Қаламравидалар халқдан солиқ йиғишқа, ёрдам тўплашқа буюрилган эдилар. Бу ихтиёрий равишдаги ҳозирликдан сўнг «Мамлакатдаги ҳар бир хонадон битта кетмон ва битта мардикор берсин!» деб истисносиз умумий фармон ҳам бўлди. Қамчиси кўкда товланиб, ханжари заҳар сочқан «хон ҳазратнинг буйруғи»га ким қарши бора олсин... Шу йўсун ариқ қазила бошланди. Лекин ишчи кўб, озиқ-овқат йўқ эди. Бойлар киши ёллаб қутулганлар, ўттуз чақиримлиқ ариғ хатига бола-чақасини оч ташлаб, кетмон кўтариб келган нуқул меҳнаткаш, косиб ва деҳқонлар чизилганлар эди...» (Қодирий А. Танланган асарлар. Т., 2014. Б. 385-386).



Анвар ва Раънонинг машаққатли муҳаббати тарихи ана шундай даврнинг бир-биридан аянчли манзаралари фо-нида варақланиб боради. Агар Шекспир трагедиясидаги Ромео ва Жульеттанинг оташин муҳаббати Монтекилар ва Капулеттилар хонадонининг йиллар да-вомида йиғилиб келган зиддиятлари ва нафратлари тоғига урилиб парчаланган бўлса, Анвар билан Раъно муҳаббати хонлар ва амирлар даврида шаклланган ғайриинсоний тартиблар, йўл-йўриқлар жодусида қиймалаб ташланган.

«Мамлакатимизда, – деб ёзган эди Фитрат «Нажот йўли» асарида, – икки гу-руҳ бахтсиз одамлар борки, ҳаракатлари танқид ва танбеҳга сазовордир. Биринчи гуруҳ ҳаётларининг мақсадлари деб еб-ичишни биладилар, улар бир луқма таом ва ётадиган жой учун инсоний вазифала-рини эсларидан чиқарадилар... Кечаси эрта учун қоринларининг ғамида, кунду-зи эса ётиш тўшаклари ғамида бўлади-лар. Хулоса қилиб айтганда, улар бошқа нарса билан ишлари йўқ. Аллоҳнинг ўзи сақласин, бу пасткаш жамоа ўзларини инсонийликнинг баланд мартабасидан махлуқийлик даражасига тушадилар (таъкид бизники – Н.К.). Бу жамоанинг асли жойи инсонлар ичида эмас... Улар-га охират саодати насиб қилмайди.

Иккинчи гуруҳ шундай жамоаки, ҳаёт ғоясини фақат охират саодати деб била-дилар, бу дунё саодатига эришиш учун ҳеч ҳаракат қилмайдилар, балки бу дунё

саодатини кофирларга хос деб билади-лар, бошқача қилиб айтганда, дунёни ко-фирлар жаннатию, мусулмонлар дўзахи деб биладилар. Булар ҳам инсонийлик вазифасини, башарият яратилишининг ҳикматини идрок қилмаганлар (таъкид бизники – Н.К.), уларнинг фикри ҳам илоҳий ҳукмга тўғри келмайди. Икки дунё саодатини талаб қилган инсонгина комил мусулмонлардир» (Фитрат. Танланган асарлар. V жилд: Илмий рисоалар. Т.: Маънавият, 2010. Б.73-74).

М.Бехбудий ва А.Қодирий, Ҳамза ва Авлоний, Фитрат ва Чўлпон сингари жадид ёзувчилари ижод қила бошла-ган йилларда большевиклар Аллоҳнинг Туркистон деган жаннатига кириб олма-ган ва уларнинг ғайримиллий мафкура-си ҳали туғилмаган эди. Шунга қарамай, улар миллий тараққиёт боғларининг ку-ришига сабаб бўлган кишилар образини салбий бўёқлар билан яратдилар. Кейин тарих сахнасига орқаси билан чиққан большевиклар жадид адабиётидаги ана шу майлнинг кучайишига барча шарт-ша-роитларни муҳайё қилиб бердилар. Ёзув-чиларимиз подшоҳлар ва уламоларни масхара қилувчи асарларнигина эмас, балки атеистик адабиёт деган бадий ижоднинг «янги» турини кашф қилиб бердилар. Балки бунга сабаб берадиган асослар бўлгандир.

Ҳозир мамлакатимиз ўз тарихининг мутлақо янги бир даврига кирди. XIX аср охири – XX аср бошларида бўлганидек, Миллий уйғонишнинг иккинчи босқичига шахдам қадамлар билан кириб келдик. Барча хатоларимиз ордда қолган, бой берилган ғалабалар бизни кутаётган, халқимиз Яловбардори раҳбарлигида янги тараққиёт чўққиларига эришсин. Ана шу жараёнда уламоларимиз ҳам шун-дай ҳалоллик, меҳнатсеварлик ва фидо-йлик билан ишласинларки, бу куннинг Қодирийлари, Фитратлари, Чўлпонлари уларнинг муҳташам образлари ўн беш кунлик ойдек жилмайиб турадиган асар-лар яратишсин.

